

**«Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси» АЖ
акциядорларининг 2019 йиллардаги молия-хўжалик фаолияти якунлари
юзасидан йиғилиш
1-БАЁННОМАСИ**

2020 йил, 27 июн

Наманган шаҳри

Мажлиснинг ўтиши жойи: Наманган шаҳар У.Носир кўчаси 12-йи жойлашган «Namangan Dori-Darmon» AJ биносининг мажлислар зали.

Жами акциялар:

- 1 123 920 дона

Йиғилишда қатнашдилар:

- 634 422 дона акция овози

Шу жумладан:

Наманган шаҳар хокимлиги

- 612 000 дона акция овози

вакили И.Исомиддинов

- 5 520 дона акция овози

“ЎзЭлектротерм” АЖ

- 10 044 дона акция овози

“Наманганвино” АЖ

Бошқа акциядорлар

- 6 858 дона акция овози

Умумий ииғилиши кворуми:

-56,45 фоиз

Йиғилишни бошлашда жамият кузатув кенгаши раиси С.Атаханов Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режаларини ҳамда инвестиция дасгуруларини кайта қўриб чикиш ва улар томонидан Давлат бюджетига дивиденд ва ажратмаларни ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги йиғилиш қарори ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш мақсадида, “Jahon ihtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi” акциядорлик жамиятини акциядорларининг 2019 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказилиши хақида кузатув кенгаши 2020 йил 01 июндаги йиғилишида қарор қабул қиласланлигини, бу хақда Наманган ҳақиқати газетасига, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг Корпоратив ахборот ягона портали (openinfo.uz)да ҳамда жамият расмий веб-сайти (namjahonsavdo.uz)да белгиланган тартибда эълон берилганлигини айтди.

У ўз сўзини давом эттирадар экан, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 370-сонли Конунининг 66-моддасига асосан жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 01 июндаги кузатув кенгаши қарорига мувофиқ жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига жамият ходимларидан саноқ комиссиясига аъзолигига Исмаилов Музаффар, Исматуллаев Боходир ва Садикова Нигора номзодларини таклифини киритилганлигини, ушбу саноқ комиссияси таркиби учун қўшимча таклифлар бўлмаса юқоридаги кўрсатилган уч нафар номзодларни бир овоздан тасдиқлаб беришларини сўради.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан саноқ комиссияси аъзолигига Исмаилов Музаффар, Исматуллаев Боходир ва Садикова Нигоралар номзодлари бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси ўз сўзини давом эттирадар экан, юқоридаги саноқ комиссияси аъзоларидан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунининг 68-моддасига мувофиқ йиғилишни ўтказиш учун

кворум бор ёки йўқлиги ҳақида маълумот сўради.

Саноқ комиссияси раиси Н.Садикова сўзга чиқиб, жамият акциядорларининг 2019 йил якуни бўйича ўтказилаётган йиллик умумий йиғилишда жами овоз берувчи 1 123 920 дона акциядан 634 422 дона ёки 56.45 фоиз акция эгалари иштирок этаётганлиги ҳамда йиғилишни ўтказиш учун кворум борлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси жамият 2020 йил 27 июндаги акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва йиғилиш иштирокчиларига кун тартибидаги масалаларни ўқиб эшиттирди.

КУН ТАРТИБИ

1. 1. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш
2. Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботи тинглаш.
3. Жамият бош директорининг 2019 йил якуnlари бўйича бизнес режа бажарилиши, ҳаражатлар сметаси ҳамда йил давомида бажарилган ишлар юзасидан тайёрланган йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил якуnlари бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалари ва олинган соф фойда тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2019 йил якуnlари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш ва дивиденд миқдорини белгилаш.
7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари ҳамда жамият бош директорини 2019 йил якуnlари бўйича мукофотлаш.
8. 2020 йил давомида жамият бош директори томонидан аффилланган шахслар билан ва бошқа тузиладиган битимларни тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2020 йил бизнес режасини тасдиқлаш.
10. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Жамият бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш ҳамда унга тўланадиган компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;
13. Жамиятнинг 2020 йил якуnlари бўйича ташқи аудиторлик ташкилоти танлаш ҳам унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
14. Жамиятнинг янги таҳирдаги акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги ҳамда Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомларини ҳамда жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисларини масофадан туриб ўтказиш тартибини тасдиқлаш.

КУН ТАРТИБИННИГ МУҲОКАМАСИ:

1. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан йиғилиши раиси С.Атаханова сўз олиб, ўтказилаётган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиш кун тартибидаги ҳар бир масалалар юзасидан талаблар ва ўтказилиш тартиби тўғрисида гапириб ўтди ҳамда қўшимча таклифлар бўлмаса, жамият акциядорларининг 2020 йил 27 июндаги умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш учун овозга кўйди. (умумий йиғилиши регламент илова қилинади)

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Каршилар, бетарафлар: йўқ

2. Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан йигилиши раиси С.Атаханова сўз олиб шундай деди, 2019 йил давомида акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 9 нафар аъзолари томонидан олиб борилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот берди.

У ўз ҳисоботида ўтган 2019 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Махкамаси ва махаллий хокимятнинг қарорлари ва фармонлари асосида иш олиб борилди ва жамият манфаатлари юзасидан йил давомида 9 марта ўзининг йиғилишларини ўтказлиб, кенгаш аъзолари томонидан 10 дан ортиқ турли хилдаги масалалар кўриб чиқилди ва мухокамалар юзасидан қарорлар қабул қилинганлиги, йил давомида кузатув кенгashi қарорлари натижасида жамият ҳисобидан 1 миллиарддан кўпроқ маблағ ҳисобига бозор жорий таъмишлар ишлари олиб борилганлиги, шунигдек Жамият кузатув кенгashi томонидан 2019 йил давомида олиб борилган ишлар натижасида йил якунлари бўйича жамият томонидан соф фойда суммаси 437 886 минг сўмни ташкил этганлигини айтиб ўтди.

У ўз сўзини якунлар экан, жамият акциядорлари ва йиғилиш иштирокчиларидан жамият кузатув кенгашининг 2019 йил давомида олиб борилган ишларига бўллетенлар орқали муносиб баҳо беришларини сўраб, кун тартибидаги масалани овозга қўйди.

Овоз бериши натижалари:

**Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози
Каршилар, бетарафлар: йўқ**

3. Йигилиши кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамият бош директори Ш.Хамрохўжаев сўзга чиқиб, Жамият томонидан 2019 йил якунлари бўйича жамиятига ижара, стаянка ва бошқа тушумлардан жами бизнес режа бўйича 4 868 015 минг сўм бўлиб, амалда – 5 404 848 минг сўм, режага нисбатан 536 883 минг сўмга ёки 111,03 фоиз ошириб бажарилган;

Бунинг натижасида умумий даромадлардан давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган жами ҳисобланган соликлар ва йиғимлар - бизнес режа бўйича 2 434 008 минг сўм бўлиб, амалда эса –2 795 500 минг сўм тўланганди, бу кўрсаткич режага нисбатан 114,85 фоиз ошириб бажарилиш орқали давлат бюджетига 361 492 минг сўм кўп маблағ тўлашга эришилган бўлиб, жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича – 437 886 минг сўм соф фойда олишга эришди.

Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича самарадорлик кўрсаткичлари 119,63 фоизни ташкил этганини қўшиб ўтди.

Хозирги кунда жамиятда ишчи ходимлар сони 30 кишини ташкил этиб, уларнинг ўртача иш ҳақи қарийб 1 млн. 830 минг сўмни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари “Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” АЖ нинг 2019 йил маблағлари ҳисобидан акциядорларининг 20.05.2019 йилдаги йиғилиш қарорига асосан жамиятнинг жорий таъмирлаш ишлари учун ҳамда жамият акциядорларининг 2019 йил 14 сентябрдаги йиғилиш қарорида жамият худудидаги йўлак том қисмларини тўлиқ таъмирлаш бўйича ҳаражатлар лойихасида келтирилган 1 398 974 597 сўмгача бўлган микдорда қурилиш материалларни сотиб олиш юзасидан тузиладиган битимларга ҳамда қурилиш ишларини амалга оширадиган ташкилотлар билан қонунда белгиланган тартибда битимлар тузиш тўғрисида қарори қабул қилинганган бўлиб, Ушбу қарор ижросини таъминлаш келиб чиқиб, жамият ижроия органи томонидан бозор худудидаги йўлаклар том ёпқичларини тўлиқ таъмирлаш ишлари жами 1 052 466 232 сўмга ўзаро шартномалар асосида айтиб ўтди.

Хозирги кунда жамиятда ишчи ходимлар сони 28 кишини ташкил этиб, уларнинг ўртача иш ҳақи қарийб 1 млн. 640 минг сўмни ташкил этмоқда.

Шунингдек, жамият ижроия органи томонидан 2019 йил давомида, Намангандек ва шаҳар хокимликларини томонидан уюштирилган хашар ва бошқа тадбирларда ўзининг муносаб хиссасини қўшиб келмоқда. Кам таъминланган оила аъзолариги хокимятнинг тавсияларига асосан беғараз ёрдам сифатида хомийликлар кўрсатилмоқда.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси жамият бош директорининг 2019 йил якуни бизнес режа бажарилиши, жорий таъмирлаш ишлари учун тақдим этган харажатлари ва қилинган ишлар юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

4. Кун тартибидаги 4-масала жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалари ва олинган соф фойда тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб эшилтириши бўйича жамият бош ҳисобчиси Г.Хасанова сўзга чиқиб, Жамият томонидан 2019 йил якуни молиявий хўжалик фаолияти бўйича қуидагиларни ижара хизматидан, автотураргох хизматидан ва бошқа хизматлардан жами 5 404 847.4 минг сўм даромад олинган. Шундан мажбурий соликлар ижара хизмати, автотураргох хизматидан ва бошқа хизматлар учун жами 2 795 499.6 минг сўм солик туланди, жамиятнинг 2 171 461.8 минг сўм харажат қилган холда йил якуни бўйича 437 886 минг сўм фойда олишга эришилганини бу эса жамиятнинг самарадорлик кўрсаткичлар 119 фоизга ошганини маълум қилди.

Жамиятнинг 01.01.2019 йил ҳолатига 61298,6 минг сўм кредитор қарздорлик мавжуд бўлиб, 01.01.2020 ҳолатига ушбу кўрсаткич 294 037,6 минг сўмни ташкил этди, кредитор қарздорликни ошиб кетишига асосий сабаб, 2017-2018 йил якунлари бўйича ҳисобланган дивидендан акциядорлар томонидан ўз вақтида олинмаётгани айтди.

Шунингдек, жамиятнинг 01.01.2019 йил ҳолатига 97198 минг сўм дебитор хақдорликлари мавжуд бўлиб, 01.01.2020 ҳолатига ушбу кўрсаткични 51 582 минг сўмни камайтиришга эришилганини айтди.

2019 йил июнда хокимиятга 3 фаввора олдига палас 4834.8 минг сўмлик июнда Навбахор ДЗЮДОга 12 000.0 минг сўм, Пахта 2019 га сентябр ойида 2000.0 минг сумлик гиламлар жами 18 миллион 834 минг 800 сўмлик хомийликлар берилганини айтиб ўз сўзини якунлади.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

5. Кун тартибидаги 5-масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Г.Хасанова сўзга чиқиб, “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти томонидан “Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” акциядорлик жамиятнинг 2019 йилдаги фаолияти бўйича миллий стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий кўрсаткичлари юзасидан аудиторлик текширувлари ўтказилгани ҳамда жамиятга ижобий баҳо берилганини айтиб, жамиятга тақдим этилган ижобий хуносасини ўқиб эшилтириди. (аудит ҳисоботи нусхаси илова қилинади)

Йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларидан юқоридаги масала юзасидан саволлар бўлмаса, ташқи аудиторлик ташкилотини ҳисоботини қониқарли деб ҳамда тасдиқлаш беришлари юзасидан овозга кўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

6. Кун тартибидаги 6- масала юзасидан йиғилиши раиси С.Атаканова сўз олиб, Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг бизнес-режаларини ҳамда инвестиция дасгуруларини кайта кўриб чикиш ва улар томонидан Давлат бюджетига дивиденд ва ажратмаларни ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги йиғилиш қарори 5 бандига асосан 2020 йил 1 июлга кадар 2019 йил якуни бўйича соф фойдасининг 85 фоизини дивидендга йўналтириш тўғрисида хўжалик жамиятлари акциядорлар умумий йиғилиши карорларини қабул килинишини ва давлат улуши бўйича дивидендларнинг бюджетга йўналтирилишини таъминлаш юзасидан топшириқ берилганини таъкидлади.

У ўз сўзини давом эттиар экан, Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, жамиятнинг 2019 йил якуnlари бўйича ўтказилган аудиторлик текширув натижаларига кўра “Jahon iktisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi” 2019 йил якуnlари буйича 437 886 минг сум соф фойда олганлигини, ушбу олинган соф фойдан жамият кузатув кенгашининг 2019 йил 01 июндаги йиғилиш қарорига асосан қуидагича таксимлашни акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этилганлигини айтиб, тақсимотни ўқиб эшилтириди:

- 85.21% ёки 373 141 440.00 сўм дивиденд тўлови учун йўналтиришга. (1 дона оддий акцияга 332 сўм дивиденд).
- 14.79% ёки 64 744 560.00 сўм Кузатув кенгаши раиси, аъзоларини ,жамият бош директори ҳамда жамият ҳодимларини 2019 йил якуни юзасидан рагбатлантиришга

Шунингдек, Йиғилиш раиси 2019 йил якуnlари бўйича акциядорларнинг кузатув кенгаши таклифига асосан хар бир дона оддий акцияга 332 (уч юз ўттиз икки) сўмдан дивидендларни нақт пул ёки пул ўтказиш йўли билан қонунда белгиланган тартибда ва муддатда тўлаб беришни таклиф этди.

Йиғилиш раиси 2019 йил фойда тақсимоти, дивидент миқдори ва тўлаб бериш шартлари юзасидан қўшимча ва эътиrozлар бўлмаганлиги учун ушбу масалани овозга кўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

8. Кун тартибидаги 8- масала юзасидан йиғилиши раиси С.Атаканова сўз олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини химоя қилиш тўғрисида»ги 370-сонли Қонунининг 74-моддасида “Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг

умумий йиғилиши қарорида белгиланиши ҳамда ушбу Қонуннинг 59-моддасига асосан эса жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш мумкинлиги кўрсатилган.

2020 йилдаги йиғилиши қарорига асосан жамият ҳисобидан жамиятдаги олиб борилган ишларини ижобий баҳолаган ҳолда жамият Кузатув кенгаши аъзоларини ва жамият бош директорини 2019 йил якуни билан рағбатлантириш масаласини куйидаги миқдорда рағбатлантириш кузатув кенгаши томонидан маъқулланган ҳамда тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тавсия этилди:

1. Кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баробарида миқдорида;
2. Кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2.5 баробарида миқдорида;
3. Жамият бош директори ва бош ҳисобчига бир ойлик маошининг баробари миқдорида;

Бундан ташқари, 2019 йил якуни бўйча олинган соф фойда ҳисобидан рағбатлантириш учун ажратилган 64 744,5 сўмдан маблағнинг қолган қисми жамият ходимларига иловага асосан рағбатлантириш кераклиги таъкидлади.

Шундан сўнг йиғилиш раиси акциядорлардан кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари, жамият бош директори ва унинг ходимларини 2019 йил якунлари бўйича рағбатлантириш бўйича таклифлар юзасидан қўшимча таклиф ёки этиrozлар бўлмаганлиги сабаб ушбу масалани овозга қўйди ва саноқ комиссияси томонидан тақдим этилган бюллетенлар орқали белгиланган тартибда тасдиқлаб беришларини сўради.

Овоз берииш натижалари:

***Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози
Каршилар, бетарафлар: йўқ***

9. Йиғилиши кун тартибидаги 9 масала юзасидан йиғилиши раиси С.Атаханова сўз олиб, “Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги конунинг 75-моддасига асосан жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозимлиги кўрсатилган бўлиб, жамият кузатув кенгаши томонидан 2020 йил учун тайёрланган бизнес режасини белгиланган муддатларда маъқулланган айтди.

Бирок, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон “коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети баркарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вактида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карорига асосан Давлат корхоналари ҳамда устав капитапида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар харажатларини мақбуллаштириш юзасидан уларнинг бизнес-режаларини танкидий қайта кўриб чикиш, тасдиқланган инвестиция дастурлари параметрларининг кузатув кенгашлари томонидан қайта кўриб чикилиши ва ўзгартирилишини, 2019 йил учун олинган ва 2020 йилда олинадиган соф фойда бўйича давлат улушига ҳисобланган дивидендерни тўлиғича Давлат бюджетига ўтказиш юзасидан тегишли чоралар кўриш белгиланганлиги айтди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 7 май куни ўтказилган йиғилишда жамият 2019 йилда 2020 йил 1-чораги

давомида эришилган кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилинган ҳолда, жамият бизнес режасини қайта кўриб чиқилди ва йиғилиш қарорига асосан, жамият томонидан 2020 йил учун олинадиган 442 972,5 мин сўм соф фойдани 567 600 етказишни режалаштирган жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес режасини маъқуллади таъкидлади.

Йиғилиш раиси ўз сўзини якунлар экан, «Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси» АЖнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес режасини тасдиқлаб беришларингни сўраб, ушбу масалани овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Каршилар, бетарафлар: йўқ

10. Йиғилиш кун тартибидаги 10 масала Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масалалари йиғилиш раиси С.Атаханова сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунига ҳамда жамият Низомига мувофик жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига кадар сайлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кириши тўғрисида гапирди.

Шунга кўра, Наманган шаҳар хокимлиги ҳамда жамиятнинг 1 фоиздан юқори акциядорлари томонидан қўйидаги Мукаррамов Шерхон - иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалири бўйича котибят мутахассиси, Мамадалиев Аброр - Бандликка кўмаклашиш маркази бошлиғи ўринбосари, Раҳмонов Содикжон - Давлат активларини бошқариш агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Умурзақов Дилмурод - шаҳар иқтисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бўлими бош мутахассиси, Камчибаев Фарход - Наманган шаҳар хокимлиги хузуридаги “Савдо департаменти” ходими, Атаханова Самара – нафақада, Исомиддинов Илҳом -Наманган шаҳар қурилиш бошқармаси бошлиғи, Мадаминов Азимжон - Наманган шаҳар хокимлиги хузуридаги “Савдо департаменти” мутахассиси, Ходжаев Хошимжон – Чорва молларига ихтисослашган хайвон бозори раҳбари номзодларни эса кузатув кенгаши аъзоси тавсия этишганлигини таъкидлади.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорлардан юқоридаги жамият кузатув кенгаши аъзолигига кўрсатилган номзодларга кумилятив тартибда овоз бершиларини сўради.

Кузатув кенгаши аъзолигига кумилятив овоз берииш натижалари қўйидагича:

№	Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар	Овозлар сони
1.	Мамадалиев Аброр	634 422 та овоз билан
2.	Раҳмонов Содикжон	634 422 та овоз билан
3.	Мукаррамов Шерхон	634 422 та овоз билан
4.	Камчибеков Фарход	634 422 та овоз билан
5.	Мадаминов Азимжон	634 422 та овоз билан
6.	Исомиддинов Илҳом	634 422 та овоз билан
7.	Умурзақов Дилмурод	634 422 та овоз билан
8.	Атаханова Самара	634 422 та овоз билан
9.	Ходжиев Хошимжон	634 422 та овоз билан

11. Йигилиши кун тартибидаги 11 масала бўйича йигилиши раиси С.Атаканова сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ҳамда жамият Низомига мувофик жамият кузатув кенгashi ва тафтиш комиссияси аъзоларини кейинги йиллик умумий йиғилиш кунига кадар сайлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кириши тўғрисида гапирди.

Шунга кўра, жамиятнинг навбатдаги тафтишчилигига хеч бир акциядордан таклифлар тушмаганлиги сабабли, жамият кузатув кенгashi томонидан ҳозирги кунда жамият тафтишчиси бўлиб келган, Наманган шахар хокимлигининг бош юристъконсулти Абдугафаров Умиджон Иркиновичнинг навбатдаги жамият тафтишчилигига номзодини тавсия этганиномзод сифатида кўрсатилганлигини айтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорлардан жамият тафтиш комиссияси аъзолигига кўрсатилган номзодга белгиланган тартибда овоз беришларини сўради.

Овоз бериши натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Каршилар, бетарафлар: йўқ

12. Йигилиши кун тартибидаги 12 масала бўйича йигилиши раиси С.Атаканова сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 370-сонли Қонунининг 79-моддага ҳамда жамият Низомига асосан жамият бош директори ва аъзолари билан тузилган шартнома муддати узайтирилади ёки бекор килиш ваколати жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кўрсатилганлигини айтди.

Жамият кузатув кенгашининг умумий йиғилиши тавсиясига асосан келгуси даврдаги ижроия органи аъзолигига ўтган 3 йил давомида ўзининг меҳнатсеварлиги ва шижаатлари орқали жамиятнинг юқори даражаларга олиб чиқаётган жамият бош директори Хамрохўжаев Шерзод Абдуллажонович билан тузилган меҳнат шартномасини яна бир йил муддатга узайтиришни тавсия этганигини айтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 370-сонли Қонунининг 59-моддасида жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш мумкинлиги кўрсатилган бўлиб, ушбу қонунга мувофик ҳар ойда жамият бош директори Хамрохўжаев Шерзод Абдуллажоновичга бир ойлик маошининг 50 фоизи миқдорида компенсация (устама) ҳақ тўлашни тавсия этганигини таъкидлади.

Юкоридаги, кузатув кенгashi томонидан билдирилган фикрларга қўшимча ёки эътиrozлар бўлмаса, ушбу масалани бюллетенлар орқали тасдиқлаб беришларингни сўрайман

Овоз бериши натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Каршилар, бетарафлар: йўқ

13. Йигилиши кун тартибидаги 13 масала жамият юзасидан йигилиши раиси С.Атаканова сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофик ҳар бир акциядорлик жамиятлари ва бошқа юридик шахслар томонидан ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси олиш мақсадида аудиторлик ташкилотларини танлов асосида танлаб олиш лозимлиги ҳамда ушбу масала «Акциядорлик жамиятлари

ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига кириши белгилаб қўйилганлигини айтди.

Шунга кўра, жамият кузатув кенгаши қарорига асосан 2020 йил якуни бўйича ўтказиладиган миллий ва ҳалқоро стандартлар асосида ўтказилган аудиторлик текширувлари ўтказиш учун танлов эълон қилинди. Танловга асосан республикамизда фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари томонидан кўплаб таклифлар тушган бўлиб, кузатув кенгаши томонидан ушбу номзод аудиторлик ташкилотларини ўрганиб чиқкан ҳолда жамиятнинг 2018-2019 йиллар якуни бўйича аудиторлик текширувлари ўтказган “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилотирини 2020 йил якуни бўйича ўтказиладиган аудит текширувларига муносиб деб топганлигини таъкидлади.

Шунингдек, ушбу ўтказиладиган аудиторлик текширувлари хизмат хақларининг энг юқори миқдорларини белгилаш инобатга олиб, кузатув кенгаши томонидан 2020 йил миллий ва ҳалқоро стандартлар бўйича аудит текширувлари учун 12 000 000 (ўн икки миллион) сўмгача бўлган миқдорда хизмат хақи тўлашни тавсия этилганлигини айтди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси юқоридаги масала юзасидан жамият кузатув кенгашининг тавсияларига қўшимча таклифлар бўлмаса ушбу масалага овоз беришингларни сўрайди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

14. Йигилиши кун тартибидаги 14 масала жамият қимматли қоғозлар бўйича мутаххасиси С.Дадабоев сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида ахоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978 сонли фармонига асосан Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан “Акциядорлик жамиятларида акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва масофавий ўтказиш тартиби” тасдиқланганлигини айтди.

“Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” АЖ да умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисларини масофавий ўтказишни жорий этиш мақсадида жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисларини масофадан туриб ўтказиш тартибини тасдиқлаш лозимгини ҳамда жамият “Акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомларга ўзгартериш киритишни тасдиқлаш кераклигини таъкидлади.

Ушбу қонун хужжатларига асосланган ҳолда жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши мажлисларини масофадан туриб ўтказиш тартибини ҳамда янги таҳrirдаги жамият ички низомларини тасдиқлаш масаласини овозга қўйди.

Овоз берииш натижалари:

Ёқлаб овоз берганлар: 100 фоиз ёки 634 422 акция овози

Қаршилар, бетарафлар: йўқ

Йиғилиш саноқ комиссиясининг ҳисоботларидан келиб чиққан ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” АЖ акциядорларининг 2020 йил 27 июндаги йиллик умумий йиғилиш регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. “Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси” АЖ Кузатув кенгашининг 2019 йил давомида бажарган ишлари бўйича ҳисоботи қониқарли деб топилсан.

3. Жамият Бош директорнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик бизнес режани бажарилганлиги ҳамда йил давомида амалга оширган ишлари, жамият ҳисобидан бозорни жорий таъмиглаш учун қилинган харажатлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансан ва маълумот учун қабул қилинсан.

Шунингдек, жамият бош директорини 2019 йил давомида жамият ишчи ходимларини рағбатлантириш билан ҳамда хомийлик билан боғлиқ харажатлари тасдиқлансан.

4. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, молиявий натижалари ва олинган соф фойда тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансан ва маълумот учун қабул қилинсан.

5. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хulosаси тасдиқлансан ва маълумот учун қабул қилинсан

6. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича олган 437 886,0 минг сўм соф фойдаси жамият кузатув кенгашининг тавсияга асосан қўйидагича тақсимлансан.

- 85.21% ёки 373 141 440.00 сўм – жамият акциядорлари акциялари учун дивиденд тўлови учун йўналтиришга. (1 дона оддий акцияга 332 сўм дивиденд).

- 14.79% ёки 64 744 560.00 сўм - Кузатув кенгashi раиси, аъзолари, жамият бош директори ҳамда жамият аъзоларига 2018 йил якунлари билан рағбатлантиришга йўналтирилсан.

Жамият бош директори Ш.Хамрахўжаевга:

1. Жамиятнинг 2019 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 332 (уч юз ўттиз икки) сўм миқдорида йиллик дивиденд тўлансан.

2. Дивидендлар пул қўринишида қўйидагича тўлансан.

- юридик шахсларга уларни банк ҳисоб рақамларига тўлаб берилсан;
- жисмоний шахсларга – нақд пул ва уларнинг банк пластик карточкаларига тўлаб берилсан.

3. Ҳисобланган дивидендлар, қонунда белгиланган тартибда дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичida тўлансан.

4. Дивидендлар (бир дона акцияга 332 сўм) тўлашни бошлаш санаси 2020 йил 27 июнь, тугатиш санаси 2020 йил 26 август этиб белгилансин.

7. Жамиятнинг Кузатув кенгashi раиси, аъзолари ҳамда жамият бош директорини 2019 йил якунлари бўйича олинган соф фойдаси ҳисобидан рағбатлантириш учун ажратилган 64 744 560 сўмдан 21 887 740 сўм иловага асосан қўйидагича рағбатлантирилсан:

1. Кузатув кенгashi раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 3 баробари яъни 2 037 990 сўм миқдорида;

2. Кузатув кенгаши аъзоларига меҳнатта ҳак тўлашнинг энг кам миқдорини 2,5 баробарида, яъни хар бир кузатув кенгаши аъзосига 1 698 325 сўм миқдорида;

3. Жамият бош директорига бир ойлик маоши миқдорида;

Шунингдек, рағбатлантириш учун ажратилган маблағларни колган 42 856 820 сўм маблағни жамият ҳодимларини 2019 йил якуни бўйича иловага асосан рағбатлантиш учун йўналтирилсин.

8. Жамият бош директорига Ш.Хамрохўжаевга, навбатдаги йиллик умумий йигилишига кадар жамиятнинг аффилланган шахслари билан йирик битим тузишга ҳамда жамиятдаги автомобилларни саклаш жойларини кайта таъмирлаш учун белгиланган тартибда 250 миллион сўмгача бўлган миқдорда шартнома тузишга руҳсат берилсин.

9. Жамиятнинг 2020 йил бизнес режаси иловага асосан тасдиқлансин.

10. Жамиятнинг навбатдаги кузатув кенгаши аъзолигига Мукаррамов Шерхон, Мамадалиев Аброр, Раҳмонов Содикжон, Умурзаков Дилмурод, Камчибеков Фарход, Атаханова Самара, Мадаминов Азимжон, Исимиддинов Илҳом ва Ходжаев Хошимжонлар бир йил муддатга сайлансин.

11. Жамият Тафтичисилигига Намангандар шаҳар хокимлиги бош юристъконсулти Абдугафаров Умиджон Иркинович сайлансин.

12. Жамият бош директор Хамрохўжаев Шерзод Абдуллажонович билан тузишган меҳнат шартномаси яна 1 йиллик муддатга узайтирилсин.

Бозорни самарадорлик кўрсаткичларини оширишда амалга бажараётган ишларини инобатта олган холда меҳнат шартнома бекор бўлгунга кадар ҳар ойига бир ойлик иш ҳаки миқдорининг 50 % миқдорида устама кўшиб берилсин.

13. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича ўтказиладиган миллий ва ҳалқоро стандартлар асосида аудит текширувлари ўтказилиши учун “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудитор ташкилоти танлансин.

Жамият бош директори Ш.Хамрохўжаев “ДАВР” МЧЖ шаклидаги аудитор ташкилоти билан миллий ва ҳалқоро стандартлар асосида аудитдан ўтказиш учун 12 000 000 (ўн икки миллион) сўмгача бўлган миқдорда шартнома тузиш ва имзолаш ваколати берилсин

14. Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги янги таҳрирдаги низомлари ҳамда “Жамият акциядорларининг умумий йигилиши ва кузатув кенгаши мажлисларини масофадан туриб ўтказиш тўғрисида”ги тартибини иловага асосан тасдиқлансин.

Изоҳ: Жамият акциядорларининг 2019 йил якуплари бўйича умумий йигилиши 2020 йилнинг 27 шон куни ўтказилиб, йигилиши баёни 2020 йилнинг 07 шул куни тасдиқланди.

Йигилиш раиси:

С.Атаханова

Баёнлаштирувчи:

С.Дадабоев